

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**299 «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2010 йил 6 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 28 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «**Давлат санитария назорати тўғрисида**»ги 657–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **25-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Давлат статистикаси тўғрисида**»ги 441–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 219-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 415-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан уч йил муддатга тайинланади» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 4 сентябрда эълон қилинган.

**35-36 (431-432)-сон**

**— 5 —**

**299-300-моддалар**

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 3 сентябрь,  
ЎРҚ-253-сон